



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

XXI саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов** номига АҚШ Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси Директорлар кенгашининг раиси, «Хоффман Интернейшнл» корпорацияси президенти Жозеф Уоттерсдан мактуб келди. Унда икки мамлакатнинг кичик ва ўрта бизнеси тузилмалари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва ишбилармонлик алоқаларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг катта имкониятлари таъкидланади.

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.**

● **Республика пул-кредит сисъати комиссиясининг** навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

● **Кеча** мамлакатимиз парламентида Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси, Матбуот ва ахборот ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамкорлигида «Қарияларни қдрлаш йилида хайрия ташкилотларининг роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **Кеча** Жаҳон Тинчлик Корпуси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари Тинчлик Корпуси ҳамда вазирлик ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш кўзда тутилган битимни имзолادилар.

● **Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида** «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш» уқу-маърифий дастурининг электрон нусхаси тақдими бўлиб ўтди.

● **Тошкентда** Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтида «Иқтисодиётни эркинлаштириш шартларида республика қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● **Эртага ва индиги** пойтахтимизда НАТО Илмий кўмитасининг кўма йиғилиши ҳамда Марказий Осиё минтақавий илмий-техникавий муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтади.

● **Бугун** Тошкентда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро жағнамаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Таълим ва фарҳад қўмитаси қўшимча ҳамкорлигида ўтказилган «Йил тарбиячиси-2002» уқуш-танлов фестивалининг республика босқичи ўз иштини давом эттирди.

● **Қашқадарё вилоят** марказида кўзи ожиз болалар тарбияландиган ва ўқийдиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг янги ўқув мажмуи фойдаланишга топширилди.

● **Муқимий номидаги** ўзбек Давлат мусиқий театрида Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматов ва ижодига бағишланган адабий-мусиқий кеча бўлиб ўтди.

● **Тошкентдаги «Жокей» хусусий** от спорти клубида мамлакатимиз, Қозғистон ва Қирғизистоннинг номдор спортчилари иштирокида от спорти бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқичи мусобақаларида спортчилар жаҳон кубогининг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини берадиган ягона йўланма учун беллашдилар. Унда ҳамюртимиз Файрат Назаров тўсиқлар оша от сакратиш бўйича «Гран-при»га эга бўлди ва ягона йўланмани қўлга киритди.

● **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво вақти-вақти билан булутли бўлиб турди, лекин ёғингарчилик бўлмади. Ҳаво ҳарорати кундузи 29-31 даража иссиқ бўлди.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 68 (9.718) 2002 йил 12 июнь, чоршанба Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетиде АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари, Очк жамият институти вакиллари иштирокида уюштирилган «Миллий ўзлик ва давлатчилик» мавзусидаги анжуман Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан ҳамкорликда ўтказилди.



Бунёдкорлик эъзозли касб

Шаҳримиз йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда кўпга турар жой бинолари, маданий-маиший мажмуалар қад кўтармоқда. Азим Тошкентимиз чиройига янада гузаллик бахш этиб турган Юнусов туманида ҳам қурилиш-тиклаш ишлари қизғин оlib бормоқда. Хусусан, бунга мисол тарихий шаҳарнинг Шайхонлик кўчасидаги бунёдкорлик ишларини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу даҳада сўнги йилларда қад кўтарган биналар сағина қилди. Уни тажриба халқи блок уйсалик комбинати бунёдкорлари барпо

қибдор тиклаиб, пайвандлаш ишларини бошлаб юбордилар. — Яқинда биз қурган дастлабки бинада ҳовли тўйлар бошланади, — дейишди комбинат қурувчилари қувончларини яшира олмади. — Бу тантаналарда хонадон эгалари билан бирга албатта биз ҳам катнашамиз.

СУРАТЛАРДА: фойдаланишга топширилган янги бино, унинг олдига яна бир 9-каватли уй пойдевори тикланмоқда; Бунёдкорлик касбининг ўзига яраша қувончи бор», дейди пардозловчи В. Полякова.



Сергей Любич олган суратлар.

пойдевор тиклаиб, пайвандлаш ишларини бошлаб юбордилар. — Яқинда биз қурган дастлабки бинада ҳовли тўйлар бошланади, — дейишди комбинат қурувчилари қувончларини яшира олмади. — Бу тантаналарда хонадон эгалари билан бирга албатта биз ҳам катнашамиз.

СУРАТЛАРДА: фойдаланишга топширилган янги бино, унинг олдига яна бир 9-каватли уй пойдевори тикланмоқда; Бунёдкорлик касбининг ўзига яраша қувончи бор», дейди пардозловчи В. Полякова.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш ва тартибга солиш, бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун белгиланган даромадидан олинган ягона солиқ жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун белгиланган даромадидан ягона солиқ фойдаланиладиган умумий майдон бирлигини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган солиқнинг базавий ставкасига асосланиб жорий этилади ва бунда савдо корхоналарининг қаредда жойлашганга, улар сотаётган истеъмол молларининг тури, номи ва ассортиментига қараб ўзгарувчан коэффициентлар қўлланилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб улгуржи ва чакана савдо корхоналари (кичик корхоналар ва микрофирмалар бундан мустасно), умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғи, мулк солиғи, шунингдек ягона солиқ ўрнига ялпи тушум (товар обороти ҳажми)дан ягона солиқ тўлайдилар.

Ялпи тушум (товар обороти ҳажми)дан ягона солиқ тўловчи улгуржи савдо корхоналари белгиланган тартибда қўшилган қўйимат солиғини ҳам тўловчилар эканлиги белгилаб қўйилсин.

3. Улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари учун божхона тўловлари, давлат поштиналари, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган лицензия йиғимлари, шунингдек давлатнинг мақсадли жағнамаларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Аҳлия вазирлиги бир ой мудатда амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришларни ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин. Бунда солиққа тортиш тизимини ўзгартириш ва солиқлар ставкасини индекслаш билан боғлиқ ўзгаришлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим фойдали турларини амалга оширишдан олинган даромадларга қатъий белгиланган солиқнинг жорий этилиши тадбиркорлик, шу жумладан кичик ва хусусий бизнес субъектларининг фаолияти учун нисбатан ноқулай шарт-шароитни вужудга келтирувчи омиллар эмаслиги назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун мудат ичида ушбу Фармонни яқинда эшитиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2002 йил 20 май.

«ТОШКЕНТ ОУПЕН-2002»

КОРТДА — ЭНГ КУЧЛИЛАР

Илгари хабар қилинганидек, 10 июнь куни Тошкент теннис марказида «Тошкент оупен-2002» халқаро аёллар мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Корта турнир иштирокчилари бўлиш Австралиа, Беларусь, Канада, Колумбия, Чехия, Россия, Германия, Венгрия, Голландия, Испания, Швейцария, Украина, АҚШ, Венесуэла ва Ўзбекистон мамлакатлари спортчилари тушиб, сафланган.

Турнир директори Аллон Какшур таъкидлаш кўмита аъзоларини теннис байрами билан кутлаб, Ўзбекистонда теннис ривожига кўрсатаётган доимий ҳаммуҳрири учун Президент Исмоил Каримовга, мусобақани оқори даражада ташкил этаётган шаҳар ҳокими Сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шобдурамонов тўртинчи «Тошкент оупен» халқаро мусобақалари қатнашчиларини табрик-

лаб, турнирни очиб деб эълон қилди.

Мусобақаларнинг асосий сеткасида иштирок этаётган ўн икки тури бўйича мусобақаларда галаба учун кураш олиб борадилар. Уларнинг нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

1/16 финалнинг бошқа учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Мария Елена Камерин (Италия) Беларусь вакили Ольга Барабанщиковага 0/6, 7/5, 6/1 ҳисобида, Динара Сафина (Россия) голландиялик қучиларига Зедда Нурландерни 6/4, 6/1 ҳисобида, Беларусь вакили Татьяна Пучек испаниялик Галлифани 6/2, 6/3 ҳисобида энгиб кейинги босқичга йўланма олишди.

БУГУН эрталаб кортада болалар куни бўлиб ўтди. Тушдан кейин турнирнинг энг кучли теннисчилари Микаэляна, Гарбин, Немечковалар нимчорак финал ўйинларини ўтказишди. Омонмуродова — Исроилова



жўфтлиги эса Вастрикова (Россия) — Федак (Украина) билан беллашди.



СУРАТЛАРДА: «Тошкент оупен-2002» мусобақаларининг очилиш маросими ва дастлабки беллашувлардан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

АНЖУМАНЛАР

Урф-одатларимиз — маънавиятимиз кўзгуси

Юртимиз мустақилликка эришган миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган урф-одат ва маросимларимиз қайта тикланиб янада такомиллаштириш учун кенг имкониятлар очилди. Халқимизда «Хаммаси ҳам тўйга етказсин» деган ибора бежиз айтилмайди. Тўй — ўзбек халқининг азалий орзу-умиди, шодиб-на тантанадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилги тўй-ҳашам ва маърака, маросимлари ичма ичмасроқ қайта ўтказилиши тўғрисидаги Фармонларидан сўнг тўйларимиз анча тартибга келди. Бирок, айрим ҳолларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маъракаларни ортиска дабдаба билан ўтказиш, исрофгарчиликларга йўл қўйиш, халқимизнинг азалий аънавларини менсимаслик каби салбий иллатлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган «Урф-одатларимиз — маънавиятимиз кўзгуси» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда ҳам шу ҳақда сўз берди.

Анжумани Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихитилла Ақромов олиб борди. Таъдбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қарамоми, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов жумладан шундай деди: Кўз олдимида мустақилликимиздан сўнг ўн йилликда эришилган ютуқлар яққол кўриниб турибди. Бундай замонага етиш осон бўлмади. Хали олдидеги қилган ишларимизни кўп. Халқимизда меҳр-оқибат, саховат сингари фазилатлар бисёр. Асрлар давомида шакланган қадриятларимизни гавҳарларимизни дегим келди. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни эъзозлашмиқ лозим.

Айтиш жоизки, Юртошимизнинг Фармонларидан сўнг ҳамда жамоатчилик кучи билан амалга оширилган тарғибот ишлари натижасида аксарият қўнчилик тўғр хулоса чиқариб олди. Исрофгарчилик қилиб, имконияти торроқ яқиларнинг қалбига озор бериш ўрнини етим-есирлар, бева-бечоралар, ногирон ва ёрдамга муҳтожларнинг қорига яраш ҳоллари эгаллаб бошладилар.

Анжуманда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мусулмонлар идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов, Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов сўзга чиқиб, улкан ўзгаришлар даврида айрим урф-одатларимизга замонавий тус берамиз деб минг йиллар давомида сақланиб келган миллий ва диний қадриятларимизга эид тарздаги ишлар ҳам амалга оширилатганини афсус билан таъкидлаб ўтишди. Бу борада жамоатчилик, айниқса маҳалла фаоллари ҳамда улаомларнинг ўрни катта эканига алоҳида урғу бериб ўтишди.

Анжуманда шаҳримиз маҳаллаларининг оқсоқоллари ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирдилар. Сўзга чиққанлар томонидан халқимизга ёт бўлган қусурлардан холи бўлиш, урф-одатлар, маросимларнинг халқчил фазилатларини тиклаш ва энг муҳими уларни келажак авлод учун бус-бутун етказиш барчамизнинг инсоний бурчимиз эканлиги таъкидланди.



Дилором ИКРОМОВА

ЎСМИРЛАРИМИЗ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАДА ҚАТНАШАДИ

«Умид ниҳоллари» мусобақаларида сараланган юз нафарга яқин энг иқтидорли ўсмир спортчиларимиз Москва шаҳрида 15-24 июнь кунлари бўлиб ўтаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Болтқубўйи мамлакатлари ва Россия минтақалари ўртасида ўсмир-ёшларнинг халқаро ўйинларида қатнашиш учун жўна кетишди.

13 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирларимиз юнон-рум кураши, самбо, бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, қиличбоз-

лик, шахмат, стол теннис, теннис, сузиш, синхрон сузиш, енгил атлетика каби спортнинг ўн икки тури бўйича мусобақаларда галаба учун кураш олиб борадилар. Уларнинг нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

КЕЧА «Олимпия шон-шўхрати» музейида ўсмир спортчиларимизни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Спортчиларни Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов кутлаб, мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларига ишонч билдирди.

Мураббий Геннадий Сухачев, спортчи Озод Парпиевлар ҳам устоз ва спортчилар номидан галаба қозониш учун бутун куч-маҳоратларини ишга солишга ваъда беришди.

Ўз муҳбиримиз **СУРАТЛАРДА:** нуфузли халқаро мусобақага отланган ўсмир спортчиларимиз.
Нўмон Муҳаммаджонов олган сурат.

ФУТБОЛ

Жаҳон чемпионининг мағлубияти

Жаҳон Корё ва Японияда давом этаётган XVII жаҳон чемпионати ишқибозлар мутахассисларга ҳамон кутилмаган натижаларни тақдим этмоқда.

ЎТГАН КУНИ ўтказилган гуруҳлардаги иккинчи тур беллашувларида Португалия терма жамоасининг Польша футболчиларини йирик 4:0 ҳисобида енгиши Луиш Фигу жамоаси имкониятларини анча кўтарди десак мубоғла бўлмайди. Бундан ташқари португалияликлар футболчи Паултаннинг ушбу ўйинда рақиблари дарвозасини уч бора аниқ нишонга олиб «хет-трик»ка эришгани унинг тўпурақлар сафидан ўрин олишга сабаб бўлди. Ушбу гуруҳдаги Жаҳоний Корёя — АҚШ ўртасидаги баҳсининг 1:1 ҳисобида яқунланиши эса бу ҳар икки терма жамоанинг нимчорак финалга йўланма олиш учун курашини давом эттиришларига имкон яратди. «Н» гуруҳидаги Тунис — Бельгия учрашуви ҳам 1:1 ҳисобида яқунланди. Энди россияликларда ҳам нимчорак финалга чиқишларига яна умид пайдо бўлди.

КЕЧА «А» гуруҳи вакиллари учинчи тур ўйинларини бошлаб беришди. Қизғин, даниялик футболчиларга рўбарў келган XVI жаҳон чемпиони Франция терма жамоаси футболчилари ишонган «олдуз»лари Зидан етакчилигида майдонга тушиб 0:2 ҳисобида енгилишди ва ўз ватанларига қайтишга мўжиза бўлишди. Шунингдек, колган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Сенегал — Уругвай 3:3, «Е» гуруҳидаги Камерун — Германия 0:2, Саудия Арабистони — Исландия 0:3.

Ўз муҳбиримиз

Жаҳонда

● Пекинда ўтказилган Осиё ва Тинч Океанининг тараққиёт молия институтлари Ассоциацияси Бош ассамблеясида ҳамда 25-конференциясида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Технологиялар тараққиёти» номинациясида ўзи илгари сурган «Микроларга масофавай электрон хизмат кўрсатиш» (банк-мижоз) деб номланган маҳсулоти учун голиб деб топилди.

● **Хабар қилганимиздек, кеча** Кобулда Лойа-Жирганинг биринчи мажлиси очилди. Унда яқин 18 ойга мулжалланган Афғонистон ҳукуматининг раҳбари сайланиши керак. Хабар қилишларича, ушбу лавозимга ягона номзод этиб Афғонистон Муваққат ҳукуматининг хозирги раҳбари Ҳамид Карзай кўрсатилган.

● Санкт-Петербургда Россия Федерацияси Президентини Владимир Путин билан Беларусь Президентини Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашууда Россия-Беларусь иттифоқи оид масалалар муҳокама қилинди.

● **Бугун** Россияга Декларация қабул қилинган ва давлат суверенитети кучи биринчи бор Россия Кучи сифатида нишонланмоқда. Шу босидан Москвада юкка даражадаги хавфсизлик чоратадбирлари қўрилган.

● Фаластин ахборот вазир Эсир Обид Раббоннинг тарқатган хабарига қараганда, янги Фаластин Вазирлар маҳкамаси 21 кишидан иборат бўлади (аввалгиси 31 киши эди). Ушбу ўзгаришлар асосида Эсир Арофат янги ички ишлар вазирини ҳам тайинлаган. Бу лавозимни генерал Абдул-Раззоқ ал-Явб эгаллаган бўлиб, у эндиликда хавфсизлик хизматида ҳам рақиблик қилади.

● **БМТ** Бош қотиби Кофи Аннан Хиндистон ҳам, Покистон ҳам урушини хохламаслигини айтди. Бирок, шундай можаро юз бериши мумкин, шу босидан БМТ ҳар икки мамлакат ўртасидаги вазиятнинг тараққийлашувини пасайтириш учун барча имкониятларни ишга солади.

● Хиндистон учинчи мамлакатларга бораётган Покистон фуқаро самолётларига ўз ҳудуди омонидан учиб ўтишга яна ижозат берди. Бу борадаги тақий ўтган йил декабрда Хиндистон парламенти қонли ҳужум содир этилгандан сўнг жорий қилинган эди. Покистон Ташқи ишлар вазирлиги Хиндистоннинг бу қарорини қўллаб-қувватлаб, улар «Тўғри йўлда қадам» деб атади.

● Хиндистонда Кашмир террорчилар гуруҳининг етакчиси Сайёд Али Шох Филоний ҳибсга олинган. Полиция вакилининг айтишича, Филоний террорчилик хуружларини амалга оширишда кўмаклашган ва маънавий қўллаб-қувватлаган. Яна у мамлакатдаги террорчилик ташкилотларига молиявий ёрдам ҳам кўрсатиб келган.


● **Кеча** Кашмир назорат қизғинда Хиндистон ва Покистон қўшинлари томонидан амалга оширилган артиллерия ва миномётлар отишмаси пайтида саккиз киши ҳалок бўлди. Покистон тарафидан олти киши ўлдирилди ва 11 киши жароҳатланди, Хиндистон тарафидан эса икки киши ўлдирилди. Ҳалок бўлганларнинг аксарияти тинч аҳолидир.

● **Кеча** Хиндистон Покистон соҳиллариде ўзининг ҳарбий кемаларини Аравия денгизига олиб ўтишини бошлади. Бу Хиндистон-Покистон чегарасидаги Кашмирда тигиз вазиятни пасайтиришга қаратилган қадамдир.

● **Бугун** биринчи марта Болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши жаҳон кучи нишонланмоқда.

● **Бугун** Сотбидеги қимодди савдосига Наполеон Бонапарт қийган қўйлаб сотувага қўйилмоқда. Қимодди савдоси ташкилчилари ушбу қўйлабни камида 50 минг долларга сотиш умидида дрирлар.

● Япония оммавий ахборот воситаларида ёзишларича, аргентиналик машҳур футболчи Диего Марадонанинг Японияда ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатида боришига рўхсат берилди. Аввал гивандлик можароларига аралашиб қолганини учун Диегонинг жаҳон чемпионатида бориши тақиқланган эди.



Гўзаллик яратувчилар

Аёл — табиатнинг бир мўъжизаси, гўзаллик ва латофат тасмол. Унга ярашган зебу зийнат — тақинчоқлар эса бир латофатига юз латофат кўшиши, шубҳасиз. Чунки қадимдан тақинчоқлар аёлларимизга алоҳида безак саналган. Шу боис ҳам уста заргарларнинг маҳорати билан ясалган зеб-зийнатлар юксак қадрланган.

Азал-азалдан юртимиз заргарлари нафис маҳсулотлари билан дунёда ўз ўрнига эга бўлган, харидорлар эътиборини қозонган. Бугунги кунда ҳам юксак дидли заргарларимиз кўлида сайқал топаётган шарқона, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган безаклар ва заргарлик маҳсулотларининг қадри баланд, айниқса, аёлларимизнинг уларга меҳри бўлақча. Бу борада тадбиркорлик билан иш юритаётган заргарлар юртимиз довуғини оламга ёйиш ниятида изланишмоқда. Пойтахтимизда 1995 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Алиев заргари» хусусий фирмаси жамоаси жаннатмакон юртимизнинг бой ва қимматбаҳо хом ашёларидан унумли фойдаланиб, олтин, кумуш, платинадан моҳирлик билан ажойиб заргарлик буюмлари ясамоқда. Аввалига 4 нафар заргар билан фаолият бошлаган фирманинг бугунги кунда 200 нафардан зиёд ишчи-хизматчиси ўз мақсадлари йўлида саъй-ҳаракатни асло бўшаштирмаётдилар.

Мамлакатимизда почта алоқаси ҳамда телекоммуникация ишларини жадаллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу эса соҳага илғор технологияни киритиш, рақамли техникани қўллаш, автоматлаштириш ва компьютерлаштириш учун мустақам негиз яратмоқда.

АЛОҚА

Илғор технологиялар

Ана шу жараёнлар бўйича меъёрий ҳуқуқий асосни яратишга жиддий киришилганлиги ҳам айни мудабо бўлди. Бу муҳим иш билан шугулланган учун илмий-теқшириш маркази ташкил этилди. Бугунги кунда у фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳузурда иш юритаётган бу марказнинг тузилганига ўн йил бўлди. — Бу орада у агентликнинг ишончли таянч марказига айланди. — дейди марказ директори Рихси Исаев. — Кўп ўтмай телекоммуникация техникаси воситаларини сертифицилаштириш органи ҳамда сертифицилаштириш-синов маркази иш бошлади. Меъёрий ҳужжатлар, тақрир-нашриёт ва стандартлаштириш бўлимлари ҳам очилди. Шу билан бирга соҳа ахборотномаси наشري тўплами чоп этила бошланди.

Телекоммуникациялар ва почта хизмати мониторинги ҳамда маркетинг тадқиқотларини амалиётга таъбиқ этишга киришилди. Унда асосий эътибор балоғатга етмаган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, улар дунёқарабини шакллантириш ҳамда ўсимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда жойлардаги воқеа етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва кучайтиришга қаратилган. Орадан 1,5 йилдан кўп вақт ўтди. Ёшларнинг энг ҳимояга муҳтож қатлами — воқеа етмаганлар билан ишлаш бўйича маъруза комиссияси томонидан қандай юмушлар амалга оширилди, қандай муаммолар мавжуд, уларни ҳал этиш учун нималарга аҳамият бериш зарур? Ушбу масалалар шахар депутатлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилди ва таҳлилий ҳулосалар Тошкент шахар Кенгашининг Ёшлар сибёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги Воқеа етмаганлар ишлари бўйича шахар комиссияси билан биргаликда ўтказилган йиғилишига тақдим этилди. Уни шахар ҳокими-нинг ўринбосари Рустам Қурбонов ва доимий комиссия

(Ўз мухбиримиз)

Бугунги кунда Тошкент шахри аҳолисининг 31 фоизини воқеа етмаганлар ташкил қилади. Бу дегани эртанги кунимиз пойдевори бўлиши ёшларимизнинг 700 миңдан зиёди етук инсон бўлиб шаклланиши йўлида оиладан ташқари мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, ўрта махсус ўқув юрлари, қолаверса кенг жамоатчилик уларнинг таълим-тарбия олиши, мустақил фикр юритиши учун ҳали кўп ишларни амалга ошириши лозим бўлади.

Айнан шу йўналишда олиб борилаётган ишларни тақомиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида 2000 йилнинг сентябрь ойида Вазирилар Маҳкамаси томонидан «Воқеа етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида»-ги қарор қабул қилинган. Унда асосий эътибор балоғатга етмаган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, улар дунёқарабини шакллантириш ҳамда ўсимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда жойлардаги воқеа етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва кучайтиришга қаратилган. Орадан 1,5 йилдан кўп вақт ўтди. Ёшларнинг энг ҳимояга муҳтож қатлами — воқеа етмаганлар билан ишлаш бўйича маъруза комиссияси томонидан қандай юмушлар амалга оширилди, қандай муаммолар мавжуд, уларни ҳал этиш учун нималарга аҳамият бериш зарур? Ушбу масалалар шахар депутатлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилди ва таҳлилий ҳулосалар Тошкент шахар Кенгашининг Ёшлар сибёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги Воқеа етмаганлар ишлари бўйича шахар комиссияси билан биргаликда ўтказилган йиғилишига тақдим этилди. Уни шахар ҳокими-нинг ўринбосари Рустам Қурбонов ва доимий комиссия

ТАДБИРКОРЛИК

Фирма жамоасининг эзгу нияти маҳаллий хом ашёдан нихоятда гўзал, такрорланмас, рақобатбардош маҳсулотлар яратиш, республикамиз бозорига муносиб ўрнига эга бўлиш барибаридан жохон бозорига ҳам ўз макъени топиш, чет эллик харидорлар талабига жавоб берадиган жохон андозалари даражасидаги заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришдир.

— Бизнинг муваффақият билан фаолият кўрсатаётганимизнинг энг асосий боиси, — тадбиркорларга, хунармандларга мустақил юртимизда яратилган шарт-шароитлар, қулай имкониятлардир. Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, тинмай изланиш, машаққатлардан чўчимаслик, фидойилик билан ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш, албатта ютуқлар гарови бўлади. Бунга биз ўз тажрибамизда кўрмоқдамиз. Утган давр ичида фирмамизга кўли гул заргарларимиз жалб этилди, уларнинг моҳирона меҳнати эса бугун ўз самарасини бермоқда. Ёшларга ҳам ушбу хунар исларини ўргатиш мақсадида шогирд сифатида уста заргарларга бириктириб қўйилган. Цехларимиз Америка, Италия, Исроил ва Туркиядан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозланган. Утган йилда 46 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 16 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун Америка, Италия, Туркия, Жанубий Корея давлатлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. Мирзо Улуғбек туманида ўтказилган «Ташаббус-2002» кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, «Энг яхши тадбиркор номини олганимиздан беҳад қувондик.

Фирма заргарлари ташкилотлардан тушган ва яқка тартибдаги буюртмаларни ҳам сифатли бажаришди. «Амир Темур» бадийи фильмидаги бош қаҳрамонларнинг безак буюмлари ҳам жамоа ахли томонидан яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, улар ўтган йилда Озарбайжон давлатидаги ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган «Алиев Барокот Ко» кўшма корхонасининг таъсисчиларидан бўлишди. Яқин келажакда эса республикамизнинг сайёҳлик шахарларидан саналмиш Самарқанд, Бухоро ва

Хивада фирманинг филиалларини очиб, у ердаги моҳир заргарларни бирлаштиришни кўзда тутган. Улар биринчи фирма дўконларини 1997 йилда очган бўлса, бугунга келиб пойтахтимизнинг машҳур «Олой» бозорига 5 та ана шундай замонавий, юксак дид билан ясалган турфа заргарлик буюмларини харидорларга тортиқ этувчи савдо шохобчаси намунали хизмат кўрсатмоқда. Келгусида эса яна Америка Кўшма Штатлари ва Жанубий Кореянинг заргарлик фирмалари билан кўшма корхоналар ташкил этиш режалари тузилмоқда.

Фирма расом ва модельерлари янги-янги маҳсулот турларини яратиш йўлида тинмай изланишмоқда, нафақат ички бозор, балки ташқи бозорда ҳам маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилган. Жанубий Корея, Америка, Россия, Киргизистон давлатларига маҳсулот экспортини йўлга қўйиш учун музокаралар олиб борилмоқда. Албатта, бу нафақат фирма келажиги учун, балки юртимиз иқтисодиёти ривожига учун ҳам муҳим ҳисса бўлиб, мамлакатимизга валюта тушумини кўпайтиради. Уни амалга ошириш учун эса янада кўпроқ изланиш ва меҳнат қилиш лозимлигини гўзаллик яратувчи жамоа ахли тўғри англамоқда.

Шу боис ҳам айни дамда маҳсулотнинг шарқона ҳамда энг замонавий, сержило ва кўзларни қувнатувчи турларини яратишга алоҳида эътибор билан ёндошилмоқда, асосий мақсад сари дадил одим ташланган.

Шарифа ИЛЁСОВА.

СУРАТЛАРДА: уста заргарлар — бригадир (ўнгда) Атаҳамбек Отабеков ва моҳир уста Худобер Мансуров; фирма маҳсулоти барчага манзур.

Сергей Любич олган суратлар.



САНОАТ

Қулай мини-тракторлар

Россия кишлоқ хўжалиги вазири, Россия кишлоқ хўжалиги илм-фан академияси ҳамда Россия — Жанубий «ЭкспоМаркази» томонидан ўтказилган «ИнтерагроМаш» кўргазмасида «Тошкент трактор заводи» давлат хиссдорлик жамияти ўзининг мустақам ҳамда ер ҳайдаш учун жуда қулай бўлган «ТТЗ-80.10» трактори билан қатнашди. Мазкур кўргазмада «Тошкент трактор заводи» бутун жаҳонга машҳур «Жон Рид», «Кейс Нью Холланд», «Массей Фергюсен» каби хориз компаниялари қаторида фахрий бешинчи ўрин соҳиб бўлди ва кумуш медалини қўлга киритди.

TRANСПОРТ

Техник қўриқ — жиддий синов

Аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш йўлида амалга оширилаётган техникавий тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Бу борада «ТошхазарйўловчиТранс» давлат уюшмаси корхона ва саройларида қатор ибратли ишлар қилинди. Транспорт воситалари техник ҳолатини яхшилаш, уларни туб таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Харақат таркибининг техник қўриғи ҳам қутилган натижа-ни берди.

— Бу йилги техника қўриғига пухта ҳозирлик қўрилди, — дейди уюшма бошқарма бошлиғи Р. Даминов. — Бу тадбирнинг биринчи босқичи ўнга яқин автобус саройида, шунингдек, «Чуқурсой автокорхонаси», «Тўртинчи автохизмат»да ўтказилди. Натижада қўриқлик автобусларнинг техник ҳолати талаблар даражасида эканлиги маълум бўлди. Иккинчи босқич қўриғи ҳам жиддий кузатиш жараёнида баҳоланди. «Ипак йўли автотранс» корхонасида ҳам кўп иш қилинди. Айниқса, ДЭУ автобуси техника қўриғига жиддий эътибор берилди. 2, 7-автобус саройларида ҳам техник хизмати яхши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга айрим сарой ва корхоналарда бу борада қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Уларни бартараф этиш долзарб масала эканлиги техника қўриғи янгуларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда алоҳида таъкидланди. Чиндан ҳам бу тадбир харақат таркибининг мустақам техник ҳолатини таъминлашда жиддий синов бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

ЯГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Эзгу ишлар

Кекса авлод вакиллари-га ҳурмат азал-азалдан шарқ халқига хос одат, уларга нисбатан ғамхўрлик миллатимизнинг энг гўзал анъаналарига айланиб кетган.

Йилимизнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб номланиши эса ушбу эзгу ишларнинг мантикий давоми бўлиб, кексаларимизга янада меҳр-муҳаббатли, инсоф-диёнатли, хушмуомала бўлишимизда омил яратди, десак янглишмаймиз.

Кексалар тилидаги оп-

поқ ниятлар самимий тил-лақларга айланиб, ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Ҳаёт ўз измида давом этар экан, амалга ошираётганимиз хайрли ишларимиз ибти-доси-ю интиҳосида кекса-ота-оналаримиз билдирган ниятлар йўлдош бўлиб, уларнинг дуоси ижобатини кўрамыз.

Собир Раҳимов туманининг «Пахта» маҳалласининг ёш фаоллари биргаликда, қарияларга ўзига хос тарзда байрам дастурхони ташкил эт-

дилар. Камтарона тузилган дастурхон атрофидаги қизгин суҳбатда ёшлар қариялардан ўзларига керакли саволларга жавоб олдилар.

Мумтоз куй-қўшиқлар остида ўтган тадбирда маҳалла қарияларига совғалар топширилди. Байрам сўнгига қариялар дуога қўл очиб, юзларига фотоҳат тортилди. Дарҳақиқат, қариялари қадрланган юрда доимо барака, тотувлик ва тараққиёт бўлади.

Муқаддас ЮСУПОВА

СЕРГЕЛИДА ФАХРИЙЛАР БОҒИ

Жорий йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши шаҳримиздаги ҳар бир корхона-ташкilot, муассасага маҳаллада фахрийларга бўлган эътибор ва ҳурмати янада оширилган, ҳар жойда кексалар эъзоз-лиқ тадбирлар уюштирилаётгани одатий ҳолга айланиб қолди. Сергели туманида истикомат қилаётган нуруний отахону онахонлар ҳам ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликка миннатдорлик рамзи сифатида ташаббус билан хайрли ишга қўл урдилар.

Туман ҳудудидаги 24 соҳиқ-ибораот қаровисига жой Сергели туман ҳокимлиги ҳомиё-лигида фаол нурунийлар иш-тирокида ободонлаштирилди,

чиқиндилардан батамом тозаланди. Ва кексалар бу ерга ўз қўллари билан бодом, ўрик, шафтоли, олма, олча, ёнғоқ сингари мевали дарахт қўчат-

Юнусобод туманидаги «Чинобод» санаторийида дам олаётган кекса отахону онахонлар иштирокида уюштирилган тадбир Қарияларни қадрлаш йилига бағишланди.

Мамнун бўлишди

«Чинобод — 2002» деб номланган ушбу тадбир қатнашчилари бўлмиш кексалар «Райҳон» ва «Гулрўх» дея ном олган командалар таркибида ўзларининг санъат соҳасидаги, жумладан, қўшиқ ва рақс борасидаги иқтидорларини, ёшларга хос шиқоатларини ҳакамлар ҳайратига намойиш этишди. Аввалига фусункор баҳорнинг рамзи бўлмиш гулларни бир-бирларига ҳадя қилган командалар аъзолари томонидан ижро этилган дилбар куй-қўшиқлар тадбир файзига файз қўшди. Хурсандчилиги чексиз фахрийлар рақсга тушганларида эса тадбир иштирокчиларининг қарсағи узоқ вақтгача тақдирлар эканлар. Санаторий бош шифокори Хусан Муборақов, «Шухрат» медали соҳибни Маъсула Мадаминовалар тадбир якунида сўзга чиқиб фахрийларни эсдалик совғалари билан тақдирлар эканлар. «Чинобод»да дам олувчилар учун яратилаётган шароитлар ҳақида маълумот бериб ўтишди. Ва бундан буюн ҳам нурунийлар кўнглини шод этиш учун Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган тадбирлар уюштирилишини таъкидлашди.

Байрам тусини олган ушбу тадбир йиғилганларда қатта таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиз)

Яқинда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети роман филологияси факультетида Испания тарихи ва тараққиёти, театри, адабиёти, журналистикаси бўйича махсус курсларни тамомлаган ўқитувчи ва талабаларга сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Сертификатлар топширилди

Тадбирда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори Файрат Шоумаров сўзга чиқиб, Мадрид университетидан келган махсус курсларни очибда бевосита иштирок этган испан тили ўқитувчиси Беатрис Армада хонимга ташаккурнома топширди. Сўнгра университетнинг чет эллар билан алоқалар бўйича ректор ўринбосари профессор Г. Боқиева, испан тили кафедраси мудири К. Абдуллаев, испан тили марказининг бошлиғи Ш. Холматовлар сўзга чиқиб, Ўзбекистон — Испания ўртасидаги дўстлик муносабатлари 1997 йилдан давом этиб келаятиганини, шу кунгача Испаниянинг 3 та университети Прамада, Алкола де Жарес билан алоқа ўрнатилиб, ўқитувчи ва талабалари ўқишга юборилаётганини ҳақида гапириб ўтишди.

Тадбир сўнгига талабалар испанча саҳна кўриниши, қўшиқ, шеърлар ва рақс ижро этишиб, ўз йил давомида олган билимларини намойиш этишди.

Азиза ИЛХОМОВА

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК ЭЛЕКТРОН ВОСИТАЛИ ЖУРНАЛИ

Ўқувчи ёшларнинг севимли «Еш куч» журнали саҳифаларида бритаётган мақолалар мундарижаси кенгайиб, янада ўқимли бўлиб бормоқда. Эндиликда бу матбуот органининг номи халқаро миқёсда танилган бўлди.

«Еш куч» интернет тармоғида ўз электрон версиясини очди. Бу эса унинг шу алоқа тармоғи орқали дунёнинг турли мамлакатда ўқилиши учун техник негиз яратилганидан далолатдир.

Эътиборли томони яна шундаки, «Еш куч» Ўзбекистон матбуоти наشريлари орасида биринчи бўлиб интернетда ўз электрон воситасига эга бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Корейс маданияти ҳафталиги

Бундан бир неча йил аввал пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 31-мактабда корейс тилини чуқур ўргатувчи махсус синф очилган эди. Уни ўқув дастури, қўлама ва дарслик билан таъминлашда Ўзбекистондаги корейс маданияти маркази фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Марказ йўли билан корейс маданияти ҳафталигини ўтказишда бу мактаб педагог жамоаси яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Навбатдаги бундай маданий тадбир ҳам жуда қизиқарли бўлди.

Махсус синф ўқувчилари тайёрлаган концерт дастури маҳорат билан ижро этилди. «Морисон», «Ариран» деб номланган корейс қўшиқлари, «Тори-тори» деб номланган рақс ҳамда корейс тилида намойиш қилинган саҳна асарларидан айрим кўринишлар ҳам кўпчиликка завқ-шафқ бағишланди.

(Ўз мухбиримиз)

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

Ёшларга амалий ғамхўрлик

раиси, депутат Муқаддам Расулова олиб бордилар. Комиссия йиғилишида асосий эътибор воқеа етмаганлар комиссияси томонидан амалга оширилган чора-тадбирларга қаратилиши билан бирга муаммо ва айрим камчиликларга тўхталиб ўтилди.

Бу борада қилинаётган амалий ишлар, ечимини кутаётган муаммолар таҳлили ҳақида шахар кенгаши депутати Акмал Ақромов ахбороти тингланди. Маърузада биринчи навбатда мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида болаларни овқатлантириш жараёни ҳусусида сўз юритилди.

Сергели, Яқкасарой, Юнусобод, Миробод, Акмал Икромов ва Шайхонтоҳур туманлари халқ таълими муассасалари қошидаги ошоналар фаолияти ўрганилганда, уларнинг аксарияти моддий-техник базаси талабга тўлиқ жавоб бермаслиги, яъни асбоб-ускуналар 30-40 йил илгари ўрнатилган бўлиб, фойдаланиш учун яроқсизлиги аниқланди. Шу кунга қадар фақат 32,2 фоиз ўқувчи иссиқ овқат ва буфет маҳсулотлари билан таъминланган, бироқ овқатларнинг сифати ва нархи болаларнинг талаб-эҳтиёжига тўғри келмайди. Ўқувчиларни имтиёзли овқатлантириш борасидаги ишлар ҳам етарли деб бўлмади.

Мактабгача тарбия муассасаларида ҳам бу борада муаммо ва камчиликлар мавжуд. Хусусан, сут, гўшт, ҳўл мева маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар тез-тез кузатилади. Комиссия йиғилишида бундай ҳолатлар баъзи туманлар

мактаблари мисолида аниқ кўрсатиб ўтилди, шунингдек, ўқув муассасаларининг аксариятида санитария меъёрига талаб даражасида риоя этилмагани, спорт базалари мустаҳкамланмагани ҳам таъкидланди.

Бугунги кунда маънавий ва маърифий йўналишдаги фаолиятга қатна аҳамият бериляпти. Аммо бу масалага янада жиддий эътиборни қаратиш лозим.

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашда ҳам камчилик бор. Хусусан, бошланғич синфлар учун «Конституция аликфобси» фақат ўзбек тилида, 5-7-синфлар учун «Конституция оламига саяҳат» дарслиги эса рус тилида, болалар муассасалари тарбияланувчилари учун «Конституция сабоқлари» ўзбек тилида нашр қилинган. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтини унумли фаолиятга йўналтириш борасида тўғарақлар мавжудлиги қатна аҳамиятга эга. Ҳозирда воқеа етмаганларнинг 58 фоизи турли тўғарақларда машғул бўлса, қолган 42 фоиз ўқувчилар мактабдан ташқари бўш вақтини қандай ўтказаятигани чуқур ўрганилган. Ўз навбатида ўқитилган бўйин товлаётган ўқувчиларнинг аксарият мактабларда бўлмаса ҳам, мавжудлиги, бундан ташқари айрим мактабларда ички назоратга ҳамда ички ишлар хизмати томонидан профилактика назоратига олинаятган ўқувчилар сони ортиб бораётганини таъкидлаш мумкин. Масалан, 2002 йилнинг 1 чораги янгуларига кўра шахар бўйича 1200 нафар воқеа етмаган болалар профилактика на-

зоратига олинган. Бу кўрсаткич ўтган даврга нисбатан 8,4 фоизга қамайган, лекин баъзи туманларда ошганлиги кузатилмоқда. Тахлиллар бўйича айрим мактабларда 3-5 нафардан ўқувчи назоратда туради. Лекин умумий кўрсаткич шахардаги 315 та умумтаълим ўқув юртига тенглаштирилса, ҳар бирига 3 тадан тарбияси оғир ўқувчи тўғри келади.

Бундай ўқувчилар билан мунтазам тарбиявий профилактика ишлари олиб борилиши лозим. Йиғилишда депутатлар ҳамда воқеа етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари томонидан жойлардаги комиссия таркибидаги айрим масъул ходимлар томонидан мажмуавий тарзда иш олиб борилаётгани, айниқса маҳалла кўмиталари, мактаб раҳбариятларининг фаоллиги сезиларли даражада эмаслиги айтиб ўтилди. Шунингдек, ўсимлар орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳамда назоратга тушганлар билан тарбиявий ишларнинг манзилли ва мунтазамлигини таъминлаш учун ички ишлар бошқармасига қаралиш алоҳида воқеа етмаганлар билан кенг қамровли тарбиявий иш юритиши янада тақомиллаштириш мақсадида мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди.

Депутатлар комиссияси йиғилишида жойлардаги воқеа етмаганлар ишлари бўйича комиссия раҳбарларига ёшларнинг бўш вақтини тўла ва фойдали йўналтириш борасида айрим масалаларга эътиборни қучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди. Шу жумладан айниқса «уста — шогирд» доирасида бепул тўғарақлар ташкил этиш, воқеа етмаганлар учун мўлжалланмаган кўнгулчор объектларга тегишли қонун ва қоидаларни амалда қўлланилишини талаб даражасига кўтариш, «компьютер ўйинлари» каби жойларда эса тиббий-санитария меъёрларига риоя этилиши лозимлигига алоҳида урғу берилди.

(Ўз мухбиримиз)

